

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 57 (65933)
1996 йил, 10 август, шанба

Сотувда эркин
нархда

Ёз — ўтмоқда соз!



**АДАШМАБМИЗ, ТАНЛАШДА,
ҚОВУҢНИНГ ЭНГ ШИРИНИН,
МАЗЗА ҚИЛИБ ЕЙМИЗ—ДА,
ҚОЛДИРМАЙ БИР ТИЛИМИН.**



Рақиб команда аъзолари роса куттишди. Бирок ҳа деганда у тарафдан сардо келавермади. «Ҳа, энди бирор маъқулроқ ўйинчини топишолмаётгандир-да» сабр-тоқат қилишарди бу ёқдагилар.

Орадан бир неча кун ўтгач эса тўсатдан «Ҳозирча сизлар билан беллашолмаймиз» деган гапни қилишди.

«АЗАМАТ АКАНИНГ ЖИЯНИ БОР—ДА...»

Шуқадатли ўйинни орзиқиб кутаётган томошабинларнинг ҳафсаласи пир бўлди. «Кўрқоклар, у ёқда Азамат аканинг жияни бор-да, ютқазиб, шарманга бўлишни исташмаяпти» пўнғиллашди «ашагдий» ишқибозлар. Шамол бўлмаса дарахтининг учи қимирламайди, дегандек юқоридаги гап-сўзларга жон бор эди. Машхур футболчи Биродар Абдураимовга тўртинчи авлод бўлиши Асқар Абдураимов ўн ёшлигидаёқ командасини биринчиликда олиб юрарди. Ҳатто унча-мунча футболчилар беллашувга дадил чиқолмасдилар. Ҳозир у пойтахтимиздаги 262-мактабнинг 8 синфига ўтди. «Ўилонзор туманидаги «Ўилонзор» футбол клубида маҳоратини оширмоқда.

— Абдураимовлар сулоласининг ўзига хос ўйин

услуги бор, — дейди Асқарнинг тренери Александр Петров. — У тўпни оёқда шу қадар чакқонлик билан ҳаракатлантирадики, кўл билан ҳам олишга ақл бовар қилмайди. Беихтиёр жонгелёр ўйинига ўқишатиб юборасиз. Асқар ҳам албатта яхши футболчи бўлиб етишади.

Сурапта: тўп билан навбатдаги кўреазмали машик.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.



ХАЙР, АТЛАНТА

Американинг Атланта шаҳрида 17 кун давомида ўтган XXVI ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз ватанга қайтиб келишди. Улар орасида юқори натижа кўрсатганлардан дзюдочи Армен Багдасаров кумуш медаль билан, боксчи Карим Тулаганов эса бронза медали билан қайтишди. Спортчиларимиз умумкоманда ҳисобида 58 ўринга пойик топилди. Кейинги Олимпиада ўйинлари Австралиядинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

МАКТАБ БОЗОРИ ИШ БОШЛАДИ

Тез кунларда янги ўқув йили учун тайёргарлик бошланиб кетади. Бу иш қашқадарёлик болалар учун бошланди десак бўлади. Дастлабки мактаб бозори Қарши шаҳридаги болалар боғида очилиб, бу ерда ўқув қуроли, мактаб кийим-кечаклари, пойафзалларни харид қилиш мумкин. Энг муҳими савдога чиқарилган маҳсулотлар бошқа дўконлардагига нисбатан арзон нархларда сотилмоқда.



**БИР
ҲАФТА
ЯНГИЛИКЛАРИ**

СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Юртимизнинг барча жойларида бўлиб ўтаётгани каби Наманган вилоятида ҳам соҳибқирон Бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари кенг нишонланмоқда. Бу ердаги болалар масканларида «Биз Амир Темур авлодларимиз» мавзусида оммавий ҳафталик байрами ўтказилди. Унда ташкил этилган адабий-бадиий кечалар, спорт мусобақалари болалар ёнида қоладиган бўлди. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ суратлар, сахна томошалари кўпчиликка манзур бўлди.

ЖОЗИБАДОР БЎЁҚЛАР ОЛАМИ

Бухоролик қиз Ситора Муродовани табрикласа бўлади. У ногирон болалар уртасида ўтказилган «Жозибадор бўёқлар олами» кўрик-танловда иштирок этиб, «Гулзор бўйлаб гул кўтарганча чопаетган қизча» сурати учун голиб деб топилди. «Муровват учқунда—муҳаббат алангаси» шиори остида ўтган бу кўрик-танлов Ижтимоий таъминот вазирлиги ва «Енград» халқаро ҳайрия жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди.

МАЗЗА, МАЗЗА, МАЗЗА...

Дам олувчи-лар доривор гиеҳларни урганиб олишди. Эндликда ҳатто ҳамши-

ра опалари билан биргаликда доривор гиеҳлардан йиғиб, дамламалар тайёрлашпти. Болалар ичиб, маза қилмоқда. Оромгоҳда ўтказиладиган тadbиру тантаналар, спорт мусобақалари-ю кўрик-танловларнинг қай бирини айтайлик. Кунни кеча болалар «Ўзбекистон кўни»ни ўтказишди. Ҳар бир гуруҳ ўзбек халқэртақлари афсона ва ривоятлари асосида сахна кўринишлари ижро этди, халқ қўшиқларидан куйлаб, рақсга тушди. Шу кунни бош ошпаз опалари Антонина Цой ва қандолатчи бўвипари Любовь Барминалар болаларни фақат ўзбек миллий таомлари билан сийлашди. Тушликда 60 килограмм гуруч солиб дамланган «паловхонтўрани» маза қилиб туширишди. Бола усталар меҳнат ту-

гаракларида пойдан, кано, қоғоз ип ва турли ичимликларнинг елим идишларидан ясаётган гоят чиройли, уйинчоқларнинг жуда антиқалигидан, кўрганларнинг бироз поф билан айтсак, оғзи ланг очилиб, баъзан қўлоқларигача қийшайиб кетиб қоляпти. Ака-ука Марат ва Руслан Шарафуддиновларнинг чизган расмлари асосида ташкил қилинган кўргазмани кўрганларнинг ҳам оғзи қўлоғида. Ҳатто энг жиддий боланинг ҳам оғзининг таноби (бошининг томи эмас) кетган.

Бир сўз билан айтганда, болаларнинг таътип таассуротлари ҳақида дўстларига сўзлайдиган ҳикоялари ажойиб ва қизиқарли воқеаларга бой бўлиши тайин. Маза қилаётганлар гапини эшитиб, маза қилишингизга камина кафил.

Чарос ГИЁСОВА
Чилонзор туманидаги
188-мактаб ўқувчиси.

Опмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли санатория типидagi «Кўктоғ» болалар оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизларга маза, маза, маза. Нега дейсизми? Негаки, оромгоҳ Илондара деб ном олган қуюқ арчазор ўрмон ичида жойлашган. Денгиз сатҳидан 1600 метр баландликдаги ушбу масканда кон ишчиларининг 482 нафар фарзанди ёзининг оташ-оловини пинсанд қилмай, (чилпада-я?) маза қилиб дам оляпти.

Болаларнинг энг севимли машғулоти чор атрофни ураб олган, қоясига қарасанг дўппинг ерга тушгудек баланд-баланд тоғларга саёҳатга чиқиш. Махсус тuzилган саёҳат йуналиши асосида ҳар кунг бир-икки гуруҳ болалари «Қуён тоғ», «Уйқудаги гузап», «Уч оғани ботирлар» деб ном олган чўққиларни «забт этиб» қайтишади. Мазза қилишади. 3 метр баландликдан шарқираб оқаётган шаршарани томоша қилиш, зипол сувпарига юз чайиш гаштига не етсин! Қандай мазза!

— Шавкат ака, катта авжда мен билан Нодир қўшиламизми? — деди Акрам қўлидаги доирани чертиб сошлаб қўяркан.

— Ҳа, узим қўл ҳаракати билан ишора бераман, шундан сўнг қўшиласизлар, лекин шошиб кетманглар, — дея тайинлади Шавкат ака.

Бундан 3 йил аввалги доирачилар билан ишлаш жараёнлари, доира сирлари ҳақидаги қизиқарли суҳбатлар Ўзбекистон радиосининг «Келажак тонги» эшиттириши режиссери Шавкат ака Каримовнинг ҳаёлидан бир-бир ута бошлади. Ушанда Шавкат ака Абдулла Қодирий номли Маданият олийгоҳининг режиссёрлик бўлимини тамомлагач, Туйтепа шаҳар ўқувчи успири, хунарманд ва ижод-

корлар уйида тугарак раҳбари этиб тайинланди. Болалар бағрида узи ҳам боладек қувониб, турли кечалар ўтказди. Айниқса, тугарак аъзоларининг ёддан чиқмас кўни — «Тиллар байрами» ўтказилган тантана эди. Урта Чирчиқ туманида бўлган бу байрамда фахрий ёрликлар олиб, вилоят санъат кўрик танловида қатнашиш ҳуку-

қини қўлга киритган эдилар. Болаларнинг уша кўнги шодлиги Шавкат аканинг ҳамшиша ёдида. Ўзбекистон радиосига ишга келди. Устозлари Собиржон Содиқов, Рихсвой ака Мирзараҳимовлардан режиссёрлик сирларини ўрганди. Болаларнинг севимли «Келажак тонги», «Соғломжон — полвонжон», «Кичкинтой — ширинтой», «Эко-

логия ва саломатлик», «Бола ва дунё» эшиттиришларини тайёрлашда Шавкат ака кўп изланадиган бўлди. Бу эзгу ишлар бошида унга муҳаррирлардан Ҳафиза опа Ҳайитметова, Насиба Зиёвуддинова, Доно Зоҳидова, Бехзод Холмирза ўғлининг бир-бирдан мазмундор, қизиқ-қизиқ материаллари янада қўл келади.



Оромгоҳимиз шундоққина тоғ ён бағрида жойлашган эди. Ҳар сафар сайру саёҳатга чиққангизда атрофимиздаги қўшлар мени узига мафтун этарди. Атрофдаги митти читтаклар, уккию бургутлар, айниқса какликларни кўриб кўзим қувнарди. Беихтиёр машҳур шоирнинг қўйма байти дилимдан ти-

УЧОЛМАТАН
КАКЛИКЛАР

лимга кўчди:

Инжа каклигим, туш курдим сени,

Қўшларнинг ичида хуш курдим сени.

Хиргойи қиларканман завқлардим. Завқланиб хиргойи қилардим. Қайта-қайта қараб какликлар ҳеч қачон ёлғиз яшай олмасликларига яна бир қарра ишондим. Уларни ҳамшиша жуфт-жуфт ҳолда қўришингиз мумкин. Кўнлардан бир кўни галати воқеа юз берди. Бир тўда какликлар ҳар гал биздан хуркиб, «пирр» этиб кўкка парвоз қилиб кутариларди, анча олисроққа бориб кўнарди. Бу сафар эса аксинча бўлди. Какликлар негадир қарахтдек қўриларди. Баъзилари секин-аста учса, яна бошқала-

ри умуман учолмасди. Уларни яхши кўргангиз учунми, учолмаётган бир какликни кўлимга олдим. Олдинига касалланган бўлса керак, деб уйладим. Аммо ундан спиртли ичимликнинг ҳиди келарди. Буни қарангки, бу ерда ҳар хил шишалар, ҳўл бўлган нон ушоқлари-ю консерва қўтилари сочилиб ётарди. Назаримда бу какликлар ҳам меҳмонлар кетгандан кейин уларини меҳмон қилишганга ухшайди.

Шу воқеага ҳам анча бўлди. Аммо ҳаёлимда ҳамон уша, учолмаган какликлар. Шоирнинг инжа байти:

Инжа каклигим туш курдим сени,

Қўшларнинг ичида хуш кур-



дим сени.

Уша вақтларда какликлар бироз бўлса-да, кўпроқ эди. Ҳозир-чи? Ҳозир улар анча қамайди. Тавба! Ростдан ҳам энди бизлар (сизни билмадимиз — шахсан мен) камеб инжа какликларни туш қўрадиган бўлдик. Аҳён-аҳёнда, элас-элас, гира-шира тушди. Нега? Нима учун? Негаки...

Наҳотки биз, она табиатга лоқайд қарасак? Табиатимизни қанчалик асраб-авайласак, ҳар бир дарахтугиеҳга, ҳайвону паррандаларга нисбатан эътиборсиз бўлмасак, табиат ҳам биздан ўз саховатини аямасди.

Азамат СУЮНОВ



БОЛАЛАРНИ, БОЛАЛИКНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Шавкат ака болаларни жону дилидан яхши кўради. Улар билан тўйиб-тўйиб узок суҳбатлашгиси келади. Уйида фарзандлари Бехруз ва Сирожиддинларнинг шўхликларидан болалигига қайтади, ширин, лекин қайтарилмас ёшлигини қўмсайди. Болалик — бегуборлик. Мустақиллигимизнинг 5 йиллик тўйи арафасида болаларни қўвончу шодлигини тараннум этувчи, бегубор болаликни мадҳ қилувчи эшиттиришлар тайёрлаётган Шавкат Каримовга болаларни, болаликни яхши кўриш, улар олами билан яшаб, эса қоларли эшиттиришлар тайёрлаш бахту омади тарк этмаслигини тилаймиз.

Нилуфар ДАВИДОВА.

Олис болаликдаги энг севишли қахрамонларимдан бири граф Монте Крестонинг қуйидаги сузлари менга жуда ёқарди: «Бу дунёда бахт ҳам, бахтсизлик ҳам йуқ. Иккаласига ҳам нисбий эришилади».

Назаримда, нисбий булса-да, узим эришган ягона бахтимку, китоб уқиш, китобни севиш имконияти. Уз ҳаётини маорифга бағишлаган, чинакам зиёли инсон—Узбекистон

бизни ҳам қувонтиради.


Биз оилада 7 фарзанд улгайдик. Дадам ҳар шанба куни ҳаммамизни йиғиб, ҳафта давомида уқиган китобимиз, ёдлаган шеърларимизни суриштирдилар. Биз уқиган китобларнинг—у ҳоҳ эртақ, ҳоҳ бадиий асар булсин, энг майда тафсилотларгача эринмай эшитардилар. Уйимиздаги энг катта хоналардан бири шифтгача терилган китоб, газета-журналлар би-

Инсон ҳавога, сувга ва нонга қандай қуниқса, мен китобларга шундай боғланиб қолгандим. Ҳаётимнинг бирор кунини китобсиз, мутолаасиз тасаввур қилолмасдим. 4-синфга ўтганимда тоғамнинг угиллари Салоҳиддин акам Ленинграддан Пушкиннинг танланган асарлар тупламини олиб келдилар. Китобнинг муқоваси, суратлари ниҳоятда гузал булиб, беихтиёр узига сеҳрлаб қуйганди. Мен китобларни бир-бир варақладим-да, русча экан-да—, деб нарига суриб қуйдим. Шунда

дилар. Уйинқароқлик қилиб гоҳида бирон юмушни бажаришни унутсак, кечирардилар, лекин китоб уқимаган одамни аямасдилар. Оилада муҳит шунақа эдики, биз эсимизни таниганимизданоқ китобни ниҳоятда муқаддас, энг яқин дустимиз, сирдошимиз деб билдик. Бобомиз Мулло Мусо уз даврининг покдомон, пешқадам зиёли диндорларидан булиб, эрта тонгдан то кечгача худога илтижо қилиб номоз уқир, мутолаа билан банд эдилар. Бобом китоб уқийтганларида туполон қи-

сақ-да, ҳаммамиз адабиёт ва шеърятни бир хилда яхши кураимиз. Адабиётга булган бу меҳр бизни янада яқинлаштиради. Гоҳида суҳбат шу даражада қизиқ кетадики, опа-укалардан кура ҳамфикр, қадрдон дустларга ухшаймиз.

Бугун қизим Тумарис, уғлим Темур ажойиб шоирлар Ҳалима Худойбердиева, Эркин Воҳидов, Анвар Обиджоннинг шеърларини севиб ёдлашаркан, уша, бугун эртакка айланган сеҳрли болалигим ёдга тушади.



халқ маорифи аълочиси дадам—Ҳамидулло Ҳамроев доим: «Фақат ёвуз инсонгина китоб уқимайди», деб таъкидлардилар.

Менинг болалигим, Самарқанднинг сулим қишлоқларидан бири—Каттақурғон туманидаги Мундиён қишлоғида ўтган. Олтмишинчи йилларнинг охирида қишлоқларда кутубхона кам булиб, ҳатто газета-журналлар ҳам 3—4 кун кечикиб борарди.

Аслида, зиёкорлик ҳам авлоддан-авлодга утувчи улкан мерос экан. Бизнинг XIX асрда яшаган катта боболаримиздан бири Расул Мундиёний китоб ёзган эканлар. Бир асрдан ошдики, ушбу китоб оиламизнинг азиз мулки сифатида куз қорачигидек сақланади. Дадам, купинча: «Зиёлилик сут билан киради»,—дердилар. Кейин, боболаримиздан бизнинг оиламизга яхши бир одат қолган. Дадам, «Китобга муҳаббати булсин»,—дея мен туғилганимда тирабгимни китобнинг, укам Ҳамзанинг эса врач булишига умид қилиб, тирногини биринчи марта дорининг устига қуйиб олганлар. Бугун ота-онанинг уша эзгу орзулари ушалгани

лан банд булиб кутубхона тусини олганди. Дастлаб, биз уқимиз керак булган китобни дадам танлаб берардилар. Аста-секин бизларда китоб уқиш, мутолаа қилиш малакасини шакллантирдилар.

Дадам уқийдиган китобларимизга жилд тикиб берардилар ва тинмай китобни ниҳоятда авайлаш кераклигини уқтирдилар. Газета-журналларда чиқаётган янги китоблар оила даврасида муҳокама қилинар, китоб уқимаслик энг оғир гуноҳ ҳисобланарди. Шу тариқа бизнинг болалигимиз китобларнинг сеҳрли ва мафтункор оламида кечди. Дадам 1955 йил 10-синфда уқийтганларидан бошлаб «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Фаъ ва турмуш», «Гулистон» каби журналларни мунтазам равиюда йиғиб борганлар. Ва биз жуда бой кутубхонага эга эдик. Мен туққиз ёшга тулганимда туғилган кунимда Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китобини совға қилгандилар. Уша китоб ҳақида шунчалик кўп гаплашган эдикки, асарнинг кўп саҳифалари ёд булиб кетганди, ҳатто ҳозир ҳам хотирамда сақланиб қолган.

дадам: «Шу китобларнинг ҳаммасини уқийсан. Тушунмаган сузларингни ёзиб бор. Кейин лугатдан куриб оласан. Эртақлардан бошласанг, осонроқ булади», деб қулимга катта «Русча-узбекча лугат»ни тутқаздилар. Эсимда, ушанда Пушкиннинг асарларини уқиб булганимча дафтар-дафтар сузлар ёзлавериб, ёд булиб кетди.

Кейинчалик, Лев Толстой, Горький китобларига ўтдим. Сергей Михалковнинг анчагина асарларини ёддан билардим.

7-синфда уқийганимда 8-синф уқувчилари орасида вилоят ёш адабиётчилари орасида биринчи уринни эгалладим. Республика олимпиадасига тайёрланиш жараёнида дадамнинг ёрдамлари билан мумтоз адабиётимизни, айниқса, Мир Алишер Навоий ҳазратлари Мирзо Бобур ижодини катта қизиқиш ва қўнг билан ургандим. Олимпиадага борганимда 100 га яқин газал ва рубойлар ҳамда «Бобурнома»нинг бир неча бобини ёддан билардим. Натижа кутилганидан ҳам аъло булди.—биринчи урин менга насиб қилди. Қимматбаҳо мукофотлар, ҳамда «Артек»ка бе-пул йўлланма билан тақдирландим. Ушанда дадамнинг қувонганлари худди кечагидек куз унгимда турибди.

Уйимизда тез-тез баҳру—байт ўтказиларди. Мусобақани дадам бошқарардилар, баъзан қизиқиб кетиб узлари ҳам қўшиллар-

лиш, ҳовлида уйнаш мумкин эмас, маърифатга чанқоқлик илмга муносабат шу даражада чуқур ва юқори эди.

Йиллар ўтди. Биз китобга улкан меҳр билан улгайдик. Бештамит мактабни олтин нишон билан тугатдик. Бугун ҳаммамиз олий маълумотлимиз. Турттамиз педагог, биттамиз сие-сатшунос, иккитамиз шифокор булиб етишдик.

Мен, укаларим Ҳамза, Фарҳод, Фаррух ва Фаридлар бугун илмий иш билан бандимиз. Ҳозир ҳам уйда йиғилиб қолсак, асосий суҳбатимиз китоблар, шеърят ва адабиёт ҳақида булади. Турли касб эгалари бул-

Фарзандларимга худди бир пайтлар менга дадам ургатганларидек, китоб уқиш маданияти, шеърятнинг жозибасини англагим, уларни ана шу мафтункор эртақлар оламида узоқроқ олиб қолгим келади. Чунки, китоблар ёшлар учун энг меҳрибон, энг қаттиққўл мураббий. Яхши, ҳақиқий асарнинг таъсир кучи шунчалик чуқурки, у, шубҳасиз, фарзандларимизни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Хулкар Ҳамроева.
ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг ўқитувчиси.


БИЗ КИТОБГА УЛКАН МЕҲР БИЛАН УЛҒАЙДИК...

дадам: «Шу китобларнинг ҳаммасини уқийсан. Тушунмаган сузларингни ёзиб бор. Кейин лугатдан куриб оласан. Эртақлардан бошласанг, осонроқ булади», деб қулимга катта «Русча-узбекча лугат»ни тутқаздилар. Эсимда, ушанда Пушкиннинг асарларини уқиб булганимча дафтар-дафтар сузлар ёзлавериб, ёд булиб кетди.

Кейинчалик, Лев Толстой, Горький китобларига ўтдим. Сергей Михалковнинг анчагина асарларини ёддан билардим.

7-синфда уқийганимда 8-синф уқувчилари орасида вилоят ёш адабиётчилари орасида биринчи уринни эгалладим. Республика олимпиадасига тайёрланиш жараёнида дадамнинг ёрдамлари билан мумтоз адабиётимизни, айниқса, Мир Алишер Навоий ҳазратлари Мирзо Бобур ижодини катта қизиқиш ва қўнг билан ургандим. Олимпиадага борганимда 100 га яқин газал ва рубойлар ҳамда «Бобурнома»нинг бир неча бобини ёддан билардим. Натижа кутилганидан ҳам аъло булди.—биринчи урин менга насиб қилди. Қимматбаҳо мукофотлар, ҳамда «Артек»ка бе-пул йўлланма билан тақдирландим. Ушанда дадамнинг қувонганлари худди кечагидек куз унгимда турибди.

Уйимизда тез-тез баҳру—байт ўтказиларди. Мусобақани дадам бошқарардилар, баъзан қизиқиб кетиб узлари ҳам қўшиллар-



Азиз болажонлар! Китобни ўзингизга дўст, маслаҳатгўй, сирдош деб билинг. Ҳозирдан китобни севишганингиз, мутолаага кўникмасангиз, кейин кеч булади. Китоб уқиш сизни фикрлашга, Ватанини севишга, оилани, ота-онани қадрлашга, қисқаси, ҳақиқий инсон бўлиб етишишга ўргатади. Китобларга суянинг, улар сизни ҳаётнинг наст-баландликларидан зиён-заҳматсиз олиб ўтадилар. улар сизга дунёда муҳаббат, эътиқод, савоб, диёнат каби тушунчалар борлигидан, уларни қадрлаган киши албатта муродига етишидан сабоқ беради.

Шутқ ўргатадиган муаллим— китобдир.

Китоб— ҳар қандай шароитда ҳам суянишишг мумкин бўлган дўстдир.

Ҳар бир китобни ўқиб тугатганда ақл болалайди.

Китоб фан хазинасининг сандиғи.

Китоб — инсон фаолиятининг меваси.

Китоб жаҳолат кушандаси.

Китобда ўтмиш ва келажак кўринади.

Олим ўқиган китобларининг биринчиси — алифбадир.

Гербимиз



Дафтаримнинг устида
Гербимизнинг расми бор
Амударё, Сирдарё
Хумо қуши акси бор.
Хумо қуш тахту бойлик,
Фароғатнинг рамзидир
Нурафшону чиройлик
Саодатнинг рамзидир.
Хумо қуш-тинчлик рамзи,
Мустақиллик қушидир
Элга ризқ-рўз улашиш
Унинг эзгу ишидир.
Ортида Сир ва Аму

Гўё Туронга томир
Қазилма бойликларин
Кўз-кўз қилгандек Помир.
Гарбдан қуёш қад ростлаб,
Сахий нурин сочади.
Гўё бизга бахт қасрин —
Эшигин кенг очади.
Дафтаримнинг устида
Гербимизнинг расми бор,
Амударё, Сирдарё
Хумо қуши акси бор.

Гулноза ТОҲИРОВА
Ғиждувон шаҳри

Атиргул

Кенгина гулзоримда
Атиргул гунча очди
Муаттар буй таратиб
Оламга атир сочди.

Атиргул боққа чирой,
Кукдан боқар тулин ой.
Олқишлаб гул мадҳини,
Куйлар синглим Мунисой.

Оқил ОТАХОНОВ,
Наманган вилояти,
Янгиқўрғон тумани
Ёрилган қишлоғи.

Чумоли

Худди қилдек оёғи,
Куч экан ҳаммаёғи.
Эрта-ю кеч тинмайди,
Чарчашни ҳеч билмайди.
Йиғар тукилган донни,
Увол деб ушшоқ нонни
Меҳнат қилмай топилган
Емас текин томоқни.

Ёзда ейди қиш гамин
Рузгорин этар таъмин.
Қишда нонни кемириб,
Ухлаб ётар семириб.
Чумоли-лочин экан,
Ризқи кўп, сочин экан.
Саттор ИСМОИЛОВ
Тошкент вилояти,
Оҳангарон тумани

ИШТАҲАСИ

Бор эканда йўқ, экан, оч
эканда тўқ экан. Қадим утган
замонда Мақсуд исмли бола
булган экан. Уни одамлар
эркалатиб Ширинтой дейи-
шар, Ширинтой хушхур таом-
ларни жудаям яхши курар-
кан.

— Менга қанча бўлса ҳам
бераверинг, шу заҳоти увол
қилмай паққос тушираман,
фақат ширин булса булгани,
— деркан.

Кунларнинг бирида урғок-
лари полиздан биттадан тар-
вуз узиб келишибди. Козим-
жонники миттигина, Хур-
шидниги ундан қаттароқ
эмиш. Улар Ширинтойга:

— Мана бу тарвузларни
бирваракайига ея оласанми?
— деб сурашибди.


Шунда болакай тарвузлар-
нинг узунлиги, баландлиги
ва айланасини улчаб чиқиб-
ди.

— Дустларим, бир оз ку-

Эртақ—топишмоқ

КАРНАЙ

тиб туринг, мен ҳозир саволла-
рингизга аниқ жавоб бераман,
— дебди-да, уйи томон югуриб
кетибди. Орадан ярим соатча
утгач, қайтиб келиб таомни бе-
малол ея олишини айтибди. Ва



бир зумда паққос туширибди.

— Сен нима учун уй томон
кетдинг ва қайтиб келиб бизга
жавоб бердинг? — сурабди Ко-
зимжон.

— Полизимизда жуда катта

ШИРИНТОЙ

тарвуз бор эди, — жавоб
айтибди Мақсуджон. У Хур-
шид олиб келганидан икки
марта, Козимжон олиб кел-
ган тарвуздан эса уч марта
катта эди. Олдингизда уялиб
қолмаслик учун аввал шу тар-
вузни бирваракайига еб ту-
гатдим. Сизларники эса уни-
нг олдида кичик эди-да.

— Мен олиб келган тар-
вуздан нечта ея олганингни
биласанми?—дебди ҳисобга ус-
та Козимжон.

— Узинг айт-чи? — сураб-
ди Ширинтой.

— ... донасини, — жавоб
бериб Козимжон.

Гап ана шу ерга келганда
ҳарф терувчи рақамни бехос-
дан тушириб қолдирган. Эн-
ди уни ҳисоблаб топиш би-
лимдон ўқувчининг узига ҳа-
вола этилади.

Эртақчи: Фозилжон
ОРИПОВ.

Севимли ёз... Таътилга
чиқиб эртадан кечгача
ғирт бекорчи, «безори-
ликнинг уйини» куйди-
риб юрган пайтларимиз.
Қишлоғимизга беўхшов
(масхаробозларга ухшаб
кетадиган) ки-

ши: писта, са-
қич, рогатка
ясаш учун ре-
зина, хурозқа-
нд ва шунга
ўхшаган ҳар
хил атторлик

молларини олиб келиб
бўш шиша идишларга
алиштириб кетарди. Биз
у кишини «аттор бобо»
деб атар, не нималар
илинжида кетидан соя-
дан эргашиб юрар эдик.
Аттор бобо кичик эшак-
ка қушилган аравада ял-
пайиб утириб олиб тин-
май жаврарди. Бола-
ларни алдашга жуда ус-
та эди. Шунга қарамай
биз у кишининг кетидан
қопмовчи уч-тўрт шум-
така баъзан кўзимизни
уйнатган ул-бул нарсаси-

Ўз ҳақингизда ёза оласизми?

ни шумо қилишга му-
ваффақ бўлардик.

Бир кунни аттор бобо-
нинг бебаҳо молларидан
бўлмиш рогатка резина-

пан «рогаткангни бу ёққа
бер» дегандек ишора
қилди. Мен чўчиброқ
рогаткани узатдим. Бо-
бом эса нимагадир до-

гаткани
тескари
қуш-
ларга
эмас
узига
туғри-

БОБОМ ҲАЗИЛЛАШМАГАНДИ

сини билдирмай олиб
қочдим узимга рогатка
ясаб олдим. Янги рогатка
билан қушларни қийра-
тиб юрган эдим, ҳовли-
миздаги ўрикнинг сояси-
да дам олиб утирган бо-
бом қўллари билан им-
лаб ёнига чақирди. Секин
олдига бордим утовуқ-
лардан қолган донни чу-
қипаётган бир гапа чум-
чукларга кўзим тушди.
Бобомнинг мақсадига ту-
шуниб кўзларим уйнаб,
рогаткамни ўқлаётган
эдим, бобом яна қўли би-

лаб резинасини чўза бош-
лади. Бобом ҳазил қи-
лаяпти деб ўйлаган эдим,
лекин... Қарс этиб товуш
чиқди—ю бобом «падар
паънат» деб пешонасини
ушлаб қолди. Яхши ҳам
рогаткани тош тополмай
кесак билан ўқлаганим,
бўлмаса...

Эҳ, бари— бир яп—янги
рогаткамдан айрилдим—
да.

Шакарбой ТУРАБОВ
Каттақўрғон
туманидаги 74—урта
мактаб.



Чўмилиш мазза...

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0442.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўттиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Наср кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25

